

ОТА (ХИКОЯ)

Дилнура Абдувахобова

*Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги 31-умумтаълим
мактабининг 9-синф ўқувчиси*

Собир ака оиласи билан қишлоқда яшайди. Қишлоқда кўпчилик ҳовлисининг бўш ерларига, томорқаларига қора экин экишади. Бу ишлардан ошишиб, деҳқон фермер хўжаликларига ёрдамга чиқишади. Собир ака ҳам кун бўйи дала юмушлари, томорқа ишлари билан банд. Турмуш ўртоғи-Роҳат опа –уй бекаси. Оилада беш нафар фарзанд: Олим, Мавлуда, Каримжон, Моҳира, Фарҳод бирин-кетин улғайишмоқда. Катта оиланинг ташвиш, харажатлари ҳам шунга яраша бўлади. Баъзан Собир ака ҳадемай балоғат ёшига етиб қолаётган болаларининг кам-кўстига деҳқончиликдан топаётган даромадини етказолмай қолади. Таниш-билишлардан харажатлар учун қарз кўтаради. Сал ўтмай, қарзни узиш учун топганини сарфлайди. Бироқ, қарзлар ортса ортадики, уларни қайтаролмай, боши қотади. Ахир, танишлар ҳам ҳадеб унга қарз беравермайди-ку! Собир ака Роҳат опа билан маслаҳатлашиб, бир қарорга келди: ”Россияда ишлаб келаман”.

У ўзи туғилиб ўсган катта ҳовлига, отаси Анвар ота билан маслаҳатлашиб, қарорини етказиш учун борди:

-Дада, анча қарзга кириб қолдим. Россияда ишлаб келмоқчиман. Набираларингиздан хабардор бўлиб турсангиз, дегандим, -деди у отаси билан суҳбатлашиб ўтиргач, асл муддаога кўчиб. Анвар ота дарров жавоб бермади. Бир оз ўйга толди. Дарвоқе, ўғли қатъий қарор қилганга ўхшайди. Қарз ёмон, уни эртами-кечми қайтариш керак, аммо бу-осонмас, ахир болалар ейман, ичаман, деб турса...

-Нима ҳам дердим, майли, бор. Болалардан хавотир олма, набираларга ўзим кўз-қулоқ бўлиб тураман, -жавоб берди у ниҳоят. Собир ака танишлар билан кўнғироқлашиб, сафарга жўнади... Орадан анча вақтлар ўтди, бироқ ундан на хабар, на дарак бўлди, ҳатто уйдагиларга қайси шаҳардалигини ҳам айтмаган. Роҳат опа болалари билан қийналганида Анвар отанинг ўзи уларга қарашиб турди. Орадан уч йил ўтди. Маҳаллада оғзига кучи етмаганлар турли миш-миш тарқатишди, гўё Собир ака болаларидан безор бўлиб – узоқларга кетиб қолганмиш.

Оз эмас, кўп эмас, нақ олти йилдан сўнг, ота уйига кириб келди. Бу вақтда бирин-кетин улғайиб қолган, қўлидан иш келиб, ҳунар-касб эгаллаган, рўзғорга қарашаётган болаларни навбати билан эр-хотин уйладилар, қизларни узатдилар...

Олимнинг аёли-Иноят-катта келин, бироқ у ноқобил чиқди. У қайнона-қайнотанинг хизматини жойига қўймади, уй-рўзғор юмушларига бефарқ эди. Мабодо, ота-онасини кўргани боргудек бўлса, ойлаб, ҳафталаб қолиб кетадиган одат чиқарди. Кунларнинг бирида Роҳат аянинг соғлиғи ёмонлашди, шифокорларнинг муолажалари наф бермай, кўп ётмай, вафот этди. Оила аъзолари бундан қаттиқ тушкунликка тушдилар, айниқса, Собир ака жуда ёлғизланиб қолди. Кексайиб қолган эр-хотин бир-бирига суяниб қолишган экан. Роҳат аянинг ўрни анчагача билиниб турди...

Собир ота ўғилларидан, келинларидан меҳр кутди, бироқ улар отани ўз ҳолига қўйдилар. Аҳволини эътиборсиз қолдирдилар. Катта ўғил кимор ўйинига берилиб, топган-тутганини киморга тикарди. Каримжоннинг ҳам, аёли Сурайёнинг ҳам отанинг бор-йўқлиги қизиқтирмас, улар ҳам ўзлари билан ўзлари овора эдилар, ҳатто ота улар билан қачон ёзилиб, бир дастурхон атрофида ўтириб, овқатланганини эслолмайди. Катта ҳовлининг бир томонига уй солиб, турмуш ўртоғи-Ҳадича билан яшаётган кенжа ўғил-Фарҳод баъзан отадан ҳол сўраб тургувчи эди, аммо устачилик ҳунари туфайли ишга азонда кетиб, оқшомда чарчаб қайтади-ю, дам олгани ётоғига йўл олади... Кечагина болалари дан қувониб, уларни эркалаб яшаган, меҳнат билан қартайган ота бугун қаровсиз ҳолатга тушиб қолганидан ич-ичидан алам, изтироб чекарди...

Кунларнинг бирида Собир ота талайгина кирларини тўплаб, юваётган Иноятга бир-иккита қўйлагини узатиб:

-Қизим, шуларни чайиб беринг, уриниб қолибди,-деди. Иноят қайнотасининг қўлидан қўйлақларни жирканибгина олиб, тоғорага ташлади. Ўзининг бир уюм кирларини ювиб бўлгач, отанинг кийимларини наридан-бери чайқаб, қрандан оқиб турган сувга ташлаб қўйди. Тоғорада қолиб кетган қўйлақлар тоғорадан сизиб чиқиб, лойга қоришганини, келинининг бепарволигидан ранжиган Собир ота кирларини ўзи ювиб, дорга илди. Иноят буни кўриб турса-да, кўрмасликка олди... Бу уйдаги рўзғор юмушларини ҳам овсинлар бир-бирига солишиб, ҳовлини тозаламайдиган, атрофни супуриб сидирмайдиган бўлишди. Ҳатто, кечки овқат ҳам вақтида тайёрланмас, ўртада сарсон эди. Ота Иноятни тушунади, Олимжон киморга берилиб, рўзғорга қарашмагани учун катта келин эрининг ўчини гўё отадан олаётгандек аламзада эди. Бир қошиқ овқат тугул, келинларнинг қўлидан бир пиёла иссиқ чой ичмасликка ҳам қўниккан ота кечгача бу ҳолатда ўтира олмай, далага, таниш деҳқонлар ёнига борадиган бўлди. Дала иши баҳона, тенгқурлари билан гурунглашади, суҳбатлашиб, ёзилади. Бошқа келинларнинг ҳам Иноят каби меҳрсизлигидан отанинг кўнгли оғриди. Бунинг устига Каримжон отага бир оғиз маслаҳат солмай, хотини билан Россияга ишлагани жўнаворибди. Собир ота ўғлидан қаттиқ ранжиди, аммо фойдасиз эди...

Ёз кунларининг бирида одатдагидек, кўчага чиққан Собир отанинг беҳосдан қон босими кўтарилиб, уйга аранг етиб келди. Аммо унга биров бир пиёла чой тутмади, ҳол-аҳволини сўрагучи бўлмади. Ҳовлида ўйнаб юрган набираларидан Олимни, Фарҳодни чақиртиришни сўраб, жойига кириб, чўзилди. Орадан узоқ вақт ўтса-да, ўғиллардан дарак бўлмади. Ҳовлида юрган келинлар отадан ҳол сўрашни хаёлларига ҳам келтиришмади. Ота келинлар берадиган ёвғондан умидини узиб, ўзи озгина бир нима қозонга ташлаб қўймоқчи бўлиб, қозонни ўчоққа осди. Амаллаб, сабзавотларни тўғраштириб, қайнашни бошлаган сувга солди. Овқат пишгунча, бир оз тин олиш мақсадида, ётоғига кирди. Орадан кўп ўтмай, овқатдан хабар олиш учун ошхонага яқинлашди, бироқ бутунлай бошқа манзарага дуч келди: пишиб турган овқатни кимдир тўкиб ташлаб, қозонни тўнкариб қўйибди. Бу-Иноятнинг иши эканини ота дарров пайқади. Эрининг аламини отадан олишга қасд қилган Иноятнинг бу-навбатдаги отага ситами эди. Ота-ўзини хўрланган ҳис қилиб, ётоғига кирди. Ҳар куни ёнбошлайвериб, тошдек қаттиқ ўрнига чўзилди. "Ҳозир кўчага чиқолмайди. Бу аҳволда йиқилиб тушиши аниқ, ўтиб кетар..." Собир ота тобора қон босимининг кийнаётганини сезиб турарди. ..Кўча дарвозасидан йиғлаганча кириб келган Мавлуда тўғри отасининг ётоқхонаси томон юрди. "Фарҳод, укажоним, бугун ҳам азонда ишга борган экан, кўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрашгандик. Яқинда фарзандим иккита бўлади, опа, деб севинганди. Ишда бирдан юрак хуружи тутиб... оламдан ўтибди, буни отамга қандай айтаман, юраги кўтарармикин..." Фарҳоднинг ишда тўсатдан вафот этгани ҳақидаги мудҳиш хабарни уйдагиларга етказиш, отасига қандай айтишни ўйлаб, хона эшигини очган Мавлуда бирдан бақириб юборди. Собир ота ўз хужрасида қаровсизликдан, меҳрсизликдан, фарзандларининг оқибатсизлиги туфайли оиласининг пароканда бўлаётганидан юраги эзилиб, армон билан доғи ҳасратда оламдан ўтган эди...